

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

Хонқа туман

"03" февраль 2022 йил.

7/2 сон

Хонқа туман ирригация бўлими кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи номидан устав асосида фаолият юритувчи раҳбари бир тарафдан ва иккинчи тарафдан «Урганч нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти Хонқа филиали кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи номидан ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ж.Отабаев ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га шартноманинг бўлинмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 4664-сонли қарорининг 8-банди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 майдаги 27-сонли йиғилиш баёнига асосан ва «Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 6 майдаги 01-10-1/43-сонли видеоселектр йиғилиш баёнига асосан бюджет ташкилотларига ўтган ҳафтадаги биржа савдоларининг ўртacha биржа нархларида дизел ёнилғиси ЭКО бир тоннаси 11 538 461 сўм (ҚҚС билан) баҳоларда 2,2 тоннани белгиланган муддатларда етказиб бериш мажбуриятини олади. «Истеъмолчи» ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартнома умумий баҳоси 25 384 614,2 (йигирма беш миллион уч юз саксон тўрт минг олти юз ўн тўрт сўм 20 тийин) сўмни ташкил этади.

II. ЎЗARO ХИСОБ – КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 2.1. «Етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» ўртасида ўзаро ҳисоб – китоб негизида ушбу шартнома тузади. Ҳисоб – китоблар тўлов топшириқномаси асосида амалга ошади.
- 2.2. «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб – рақамига маҳсулот баҳосининг 100 фоизи миқдорида маблағни олдиндан ўтказгандан кейин нефт маҳсулот етказиб берилади.

III. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

3.1. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини сифати ГОСТ, ТУ стандарти талабларига жавоб бериши ва товар транспорт юк ҳужжатларида акс эттирилиши лозим.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

- 4.1. Нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га етказиб бериш, «Етказиб берувчи» ҳисоб – рақамига пул маблағлари келиб тушгандан кейин график асосида «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспорт воситаларида амалга оширилади ва хизмат ҳақи суммаси товар транспорт юк хати ҳужжатларида ёзилади ва «Истеъмолчи» томонидан тўланиши шарт.
- 4.2. Нефт маҳсулотларини сифати ва миқдори юзасидан бир – бирига ўтиш ҳуқуқи «Истеъмолчи» томонидан уларни қабул қилиб олинаётган жараёнида ҳал қилинади.
- 4.3. Нефт маҳсулотларини топшириш, қабул қилиш «Истеъмолчи» томонидан комиссиявий тартибда ва топшириш ишончномаси ҳайдовчи экспедитор иштирокида амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Нефт маҳсулотлари нарҳини тўлашдан бош тортгани учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га маҳсулот нарҳини 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан маҳсулот етказиб бериш муддати чузиб юборилса ёки белгилангандан кам миқдорда етказиб берилса «Истеъмолчи»га мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди. Лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 5.3. Агар ушбу шартномада томонларнинг жавобгарлиги белгиланмаган бўлса, у ҳолда жавобгарлик даражаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 5.4. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик бўйича чоралар курилишига қафолат беради.

VI. ФОРС – МОЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавқулотдаги ҳолатлар (сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлса, оқибатда шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса тарафлар жавобгарликдан озод этиладилар.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ҳар икки тараф томонидан ёзма равишда амалга оширилган ва имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.
- 7.2. Мустақил равишда ўзаро келишув орқали ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.
- 7.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.
- 7.4. Шартноманинг етказиб бериш ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр _____ гача.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

«Етказиб берувчи»
«Урганч нефт базаси» МЧЖ Хонқа филиали
Хонқа тумани Широқ куча 17 уй.
х/р 22604000704268518701
МФО – 00432, ИНН – 204589421
Тош. шах. «Узсаноатқурилишбанк»
АТБ Яшнобод филиали
Тел (362) 99 – 91-308

Ж.Отабаев

«Истеъмолчи»
Хонқа туман ирригация бўлими
Хонқа тумани Широқ кўчаси 48-уй
х/р 23402000300100001010
МФО 00014 ИНН 201122919
Марказий банк Тошкент Ш ХККМ
ШХР 100022860332237042402170001
ИНН 305084121

